



## 10 000 ҲАМҲУРТИМИЗ "КАРИМОВ, КЕТ!" ДЕМОҚДА!

### Каримов, КЕТ!

Диктатор Каримовнинг барча жиноятлари  
Все о преступлениях диктатора Каримова  
Diktator Kerimov'un insanlık dışı cinayetleri  
All about Dictator Karimov's crimes



facebook.com/groups/Karimovket

Афтидан "Ўзбек баҳори" ҳам фуқароларимизнинг "Фейсбук" орқали бирлашиши ва шу йўл билан Каримов диктатурасини ағдариши орқали амалга ошадиганга ўхшайди. Бундай дейишимизга сабаб УХХ фаоллари "Фейсбук" ижтимоий интернет тамоғида ташкил қилган "КАРИМОВ КЕТ" <http://www.facebook.com/groups/karimovket/> гуруҳининг аъзолари қисқа муддатда 10000 (ўн минг) кишига яқинлашиб қолганидир.

Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучимаиди. УХХ нинг бутун тарғибот ва ташкилий ишлари Каримов диктатурасининг кирдикорларини фош қилиш ва бу диктатурага барҳам бериш учун халқимизни ижтимоий ва сиёсий сафарбарликка жалб қилишдан

иборатдир. Бу йўлда аниқ мақсад билан тузилган ушбу гуруҳимиз аъзолари сонининг тез суръатлар билан ошиб борётгани бир томондан ҳамюртларимизнинг сиёсий фаоллигининг ошаётганига, иккинчи томондан эса УХХнинг халқимиз ичида тобора машҳурлашиб бораётганига далилдир.

Шу муносабат билан ҳамюртларимизнинг диққат эътиборини қуйидагиларга қаратмоқчи эдик:

1. УХХ Каримов диктатурасининг қуллик ва зулм сиёсатига барҳам бериб, Ўзбекистонда Эркинлик ва Адолатга асосланган янги жамят қуришни истаиди (<http://www.uzxalqharakati.com/archives/12935>)

2. Халқимиз ўзининг миллий

ва эътиқодий қадриятларимиздан келиб чиқиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон баённомасига кўра, Ўзбекистон Конституцияга амал қилиб ва дунё халқларининг, айниқса ҳозирги вақтда ўз диктаторларини тахтдан ағдараётган мусулмон халқларнинг тажрибасидан фойдаланиб, Каримов диктатурасига қарши тинч намойишлар ўтказишга ҳақлидир.

3. Бундай намойишларга тайёр туриш ва қулай шароит ўртага чиққанда уни тартибли равишда ва тинчлик шиори билан ўтказиш учун ҳаракатимиз раҳбарияти томонидан ҳозирланган ушбу дастур ([uzxalqharakati.com](http://uzxalqharakati.com)) билан барча ҳамюртларимизнинг танишиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

**УХХ Ташкилий Бўлими**

### "КАРИМОВ, КЕТ!" ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИГА!



#### Ҳурматли дўстлар,

Мана сафдошларимиз сони ҳам 10.000 дан ошиб кетди. Ёдингизда бўлса, Тунис ва Мисрдаги диктатурага қарши курашга халқ асо-

сан "Фейсбук" ижтимоий тармоғи орқали даъват қилишган ва бу диктаторларнинг ағдарилишида муҳим роль ўйнаганди.

Ажаб эмас, энди навбат биз ўзбекларга келган бўлса!

Ахир фақат УХХнинг мана шу тармоқдаги гуруҳигина ўн мингларча ҳамюртларимизни бир орада тўплай олди.

Эндиги вазифа — ҳар биримизнинг энг камида 10 дўст-у танишимизни бу гуруҳга таклиф қилиш ва шу йўл билан сафларимизни юз мингларга етказишдан иборатдир.

Шу билан бирга, агар эътибор берган бўлсангиз, гуруҳимизнинг асосий мавзуси сифатида **"ХАЛҚ ОЁҚҚА**

**ТУРГАНДА"** номли тавсияномамиз ўрин олган. Ушбу тавсияномада халқимиз нима учун Ислоҳ Каримов диктатурасига қарши кўзғалиши, Эркинлик ва Адолат йўлидаги бу намойишларни қандай ўтказиш кераклиги ҳақида амалий кўрсатмалар берилган.

Демак, ҳар биримиз бу тавсиялар билан аввало ўзимиз танишмоғимиз, кейин эса гуруҳимизнинг бошқа аъзоларини таништиришимиз керак бўлади.

Йўқолсин Ислоҳ Каримов диктатураси!

Яшасин Эркинлик ва Адолат!

**"КАРИМОВ, КЕТ!"**  
гуруҳи маъмурияти

Диктатор ва ноқонуний Президент Ислом Каримов яқинда бўлиб ўтган Тошкент вилояти кенгаши сессиясида ўзи тўрт йил олдин дабдаба билан тайинлаган ҳоким Рустам Холматовни дабдала билан ишдан олган.

ларни уюштирди ва натижада 16 киши ҳалок бўлди ва ўнларча киши яраланди.

-Шундан кейин ўн мингларча мусулмонлар ҳизбчи, ваҳхоббий, радикал, дея қамоққа ташланди, ваҳшийларча кийноққа солинди ва ўлдирилди.

-Шунингдек, Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлигини йўқ қилди, маданият, маърифат ва ижод аҳлини синдирди ва уларнинг истеъдодини йўққа чиқарди.

-Ўзбекистонга раҳбарлик қилган йил-

## ЖИНОЯТЧИ ПРЕЗИДЕНТ ЖИНОЯТЧИ ҲОКИМИНИ КЕЧИРДИ

«- Буни майдалаб ўтиришни ҳам ҳожати йўқ, нега деганда, ҳаммаси сизлар учун аён. Халқ ҳамма нарсани билди. Кимнидир мажлисда беобрў қилиш, унга нисбатан куч ишлатиш, кимнидир обориб, Янгиўлда бир кеча қамаб қўйиш... Бу қайси қонунда ёзилган? Қаерда бундай нарсани эшитиш мумкин? Нимани ўйлаган бу одам? (Зарда билан минбарни мушглайди.) Кимнидир воситачи қилиб қўйган бу жаноб. Айланиб юриш ва воситачи вазифасини бажариш. Кимдандир қуруғини олиш ва ҳоказо бу воситачини иши бўлган... Хом ҳаёл билан юриш, бу (иш) очилмайди, деб юриш калтабинликдир», деган Ислом Каримов. (<http://www.ozodlik.org/content/article/24946720.html>)

Биз ҳам майдалаб ўтирмай диктатор Каримовнинг ўзбек халқига қилган жиноятларини қисқа айтиб ўтайлик:

- 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистонда диктатура тузумини ўрнатди.

- 1993 йилдан бошлаб сиёсий муҳофизатни йўқ қилди.

-1994 йилдан бошлаб диндорларга қарши қамаш компаниясини бошлатди.

-1999 йилда Тошкентда портлаш-



-2000 йилда ноқонуний равишда қайта Президентликка сайланди.

-2005 йилда Андижонда тинч намоёнига чиққан инсонларни қатлиом қилишга буйруқ берди ва мингларча бегуноҳ кишини отиб ўлдирди.

-Диктатор Каримовнинг буйруғи билан Ўшда Алишер Соипов, Россияда Фуад Шокирий отиб ўлдирдилар ва Швецияда Обитхон қори Назаровлар отиб кетилди.

-Мустақилликдан кейин ўтган даврда Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини издан чиқарди, фуқаровий жамият асосларини бузиб, ўзбек халқини бутун ҳақ ва ҳуқуқлардан маҳрум қилди.

лларида мамлакатимиз иқтисодини вайрон қилди. Натижада 6 ёки 8 миллион, асосан ёшлардан иборат бўлган инсонларимиз дунёнинг турли бурчақларида дарбадар бўлди, турли қонунсизликларга, ҳақоратларга, камситишларга дучор бўлди.

-Қизлари Гулнора ва Лола Каримовларнинг ўзбек халқининг бойлигини ўғирлашига ва бу ўғирланган миллиардларча доллар пулларни Швецияга ва бошқа чет эл давлат банкларига олиб кетишига имкон яратди...

Булар «майдалаб ўтирмай» диктатор Каримовнинг Ўзбекистон халқи ва давлатига қарши қилган жиноятларининг қисқа сарҳисобидир. Яъни, Ислом Каримов ҳеч шубҳасиз Руминиянинг эски диктатори Николаи Чаушеску, Ливиянинг эски диктатори Қаддафий, Мисрнинг эски диктатори Муборак, Суриянинг эски ва ҳозирги диктатори ота – бола Асадлар каби диктатордир ва у зудлик билан ўз тахтидан узоқлаштирилиб, Ўзбекистонда эркинлик ва адолатга асосланган янги жамият қурилиши керак...

ЎХХ Тарғибот Бўлими

## ДИКТАТОР КАРИМОВ ЁШЛАР ВА ИНТЕРНЕТДАН ЎЛГУДЕК ҚЎРҚАДИ



Ўзбекистон диктатори бу ҳақда Тошкент вилоят кенгашининг сессиясида қилган нутқида гапирган. ББС ўзбек хизматининг хабар беришича Каримов шундай деган:

«Нима, ўйлашларки, болалар, бизларнинг фарзандларимиз, ҳаммаси бир хил ўйлайдими? Йўқ. Интернетни ёпиб бўлмайди.

Шуни яхши, ҳаёлимизга, қулоғимизга муҳрлаб олишимиз керак, интернетни ёпиб бўлмайди, дунёдан темир девор қуриб ажратиб бўлмайди» ([bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek))

Бу ерда айтилаётган гап диктатор Каримовнинг энг КАТТА ЁЛФОН чиқанлигини таъкидлашдир.

Яъни, Каримов ёшлар интернетга қизиқмоқда, дегани билан интернет сайтларига қўйилган тўсиқлар олиб ташланмайди, Ўзбекистонда матбуотга ёппасига қўйилган цензура ҳам бекор қилинмайди.

Яъни, бу Диктатор Ўзбек халқининг ва давлатининг ҳақиқий тараққиётини истамайди, фақат ўзининг тахтини қўришни истайди, холос....

Аммо бу барча диктаторларнинг жирканч истагидир.

Диктатор Каримов истамаса ҳам ўзбек ёшлари Ўзбекистонда интернетдан ўзлари истаган шаклда фойдаланмоқдалар.

Масалан, ЎХХ нинг файсбокдаги (<http://www.facebook.com/uzxalqharakati>) ва однокласникдаги (<http://www.odnoklassniki.ru/uzxalqharakati.com>) саҳифалари Ўзбекистонда бемалол очилмоқда. Яъни, Ўзбекистонда диктатуранинг йўқ бўлиши тобора яқинлашиб келмоқда.

Ўзбекистон ёшларини Эркинлик ва Адолат йўлида курашга даъват қиламиз...

Намоз Нормўмин

## ТЕРРОРЧИЛАРГА ҲУРМАТ ҚЎРСАТИШ ДАВРИ БОШЛАНДИМИ?

«Террор» ва «террорчи» тушунчаларини ҳар ким ўзича изоҳлайди. Масалан, Афғонистонга бостириб кирган ғарб давлатлари ўзларига қарши курашаётган мусулмонларни ва уларнинг раҳбари мулла Умарни террорчи дейишади.

Туркия ҳукумати эса мамлакат жанубий шарқида қуролли қўзғолон кўтарган курд ирқчиларининг раҳбари Абдулла Ужалонга шундай ном берган. Шу кунларда афғонистоннинг ғарбпараст президенти Ҳамид Карзай толиблар раҳбари мулла Умарнинг 2014 йил ўтказилаётган сайловларда номзод бўла олишини айтди.

Шунингдек, Туркия ҳукумати ҳам террорчиликда айбланган ва умрбод қамоқ ҳазосига маҳкум қилинган Абдуллоҳ Ужалон билан курд ирқчи ҳарбий бўлинмаларининг Туркиянинг ҳудудини тарқ қилиши ҳақида музокаралар олиб бормоқда.

Бундай таклиф ва музокаралар «террорчиларга» қарши муносабат ўзгарганига ёки террор тушунчасининг ўзгарганига боғлиқ бўлиши мумкин. Сиз нима деб ўйлашасиз азиз қувучи?

Абдурахмон Муҳаммад



## МИЛЛАТИМИЗ НОМУСИ — ХАР БИРИМИЗНИНГ НОМУСИМИЗДИР

Ўзбек Халқи номусли Халқдир, хар замонда эл бўлган, миллий маданиятга бел бўлган бор Халқдир. Миллий анъаналаримиз ва бой тарихимиз кўрсатадики, ўзбек халқимиз қонига орийат ва номус сифатлари кучли сингандир.

Боболаримиз бир фарзанд тарбияси учун етти махаллани масъул билишган, бир-бирлари учун шу болани тарбияси бизнинг масъулиятимиз, дейишган ва миллат орийати учун ахлоқ одобга қаттиқ эътибор беришган.

Азиз хилқатдошларим унутмайлик, энг тўғри тарбият, энг яхши ҳидоят, энг яхши одобият бу Аллох буюрган одобдур, Куръон бунга дастурдир.

*Бехад дерлар гўзаллик,*

*Бу баракот, аҳиллик.*

*Лек гўзаллик қалбда бўлсин,*

*Шу хақиқий гўзаллик.*

Азиз тарбиятга масъул оталар ҳамда оналар! Фарзандларимиз учун энг аввало Ҳақни танитинг зеро ҳақлик талаб қилгай вояга етса. Дунёга кўмилишдан асранг зеро дунёга кўмилиб ҳақиқатни жуда кеч фаҳмлагай.

Азиз замондош ёшлар! Бу кунлар жуда оғир, борган сари тубунлашиб бораётган бир саҳифадир. Саҳифалар китобнинг якуний маъносини акс эттиради, бу ҳолатни ахлоқ бузуқликнинг бошланиши ҳамда миллий бузуқчилик даражасига етиши мисолида тасаввур этишимиз нақадар ачинарлидир.

*Ўлик бўлди қомуслар,*

*Ботил бўлди номуслар,*

*«Бехижоб бўл» дедилар,*

*Аҳли шайтон олимлар.*

Азиз хамюртлар! Миллатимиз Аллох азза ва жалла йўлини ҳақ билган ва унга эътиқот этган аҳли-уммати Мухаммад бўлгандир хар вақт. Жамиятимизга улкан вадалар ҳамда онд ичишлар ила бош бўлган раҳбар Каримов вақти келиб бу қадар жоҳил ботилий саҳифани очишини биз тасаввур этмаган бўлсақда, эндиликда Халқимиз учун очикчасига шакллантириб келган зинвий ҳаёт тарзини билвосита англаб аслида Каримов миллий маданиятимиз ҳамда миллий эътиқодимиз душмани эканини беҳад чуқур хурсиниш ила англаймиз. Кўчаларимиз зино учун очикча даъватга ва шу мақсаддаги масканга айланиб улгурди.

Фохшабозлик айрим ўзбек аёлларимиз учун касбга, тирикчилик манбаига айланди, нақадар разолат. Хорижда ўзбек аёлларимиз жуда чидаб бўлмас ном ила аталса биз қандок чидайлик мўминлар?. Юртма юр кезиб юрган бу миллатимиз номусини қандай сақлайлик мусулмон биродарларим?

*Дажжол сайраб куйлайди,*

*Шаққоқликни ҳалол деб.*

*Номуссизлар номаҳрамни ўйлайди,*

*Ёстиқдошим даъёс деб...*

Азизлар бугунги кунда бошимиз билан қора ишга ботиб тинмасликка мажбур қилаётган Каримов тузумидан бир оз хаёл узиб ўз эътиқодингиз ҳақида мушоҳада этинг, юртингиз боши даюсларча даъват этиб Халқни



ҳам даюссифатларга айлантираётгани ҳақида, Аллохни унутиб бораётганимиз ва жим эканимиз ҳақида фикр қилинг, ва яна ўзингиз учун аҳд қилингки аввало ислох этишни ўзингиздан бошланг, сизни ислох бўлишингиз оилангизни ислох бўлишидир.

Шу билан бирга Ўзбек Халқимга чақирик! Азиз Халқим раҳбарингни ислох эт, зеро бош ислох бўлса оёқ ҳам ислохдир.

Азиз муҳтарам хамюртлар! Бу мақола жуда ҳам аянчли ҳолатда жамиятимизда фуқароларимизни айникса ёшларимизни фисқу-фасодга жуда берилиб кетишаётгани сабаб, номусимизни сақлаб қолишни даъвати сабаб минг бир умидда ёзилди, ўз миллатимиз номусини, аёлларимиз ифқатини, Халқимиз орийатини биргаликда сақлашга бўлган очик чақиришимизга лаббай дея жавоб қиласизлар деган умиддамиз.

*odnoklassniki.ru ижтимоий тармоғи, “Ўзбекистон Халқ Харақати” ҳамда “Каримов Кет” гуруҳлари фаол жамоасидан*

**IYMON MUFASSAL**

## СУРХОНДАРЁДА “ЭРК” АЪЗОЛАРИ 72 СОАТ ДАВОМИДА ҲИБСДА САҚЛАНМОҚДА

2013 йил 4 апрель куни маҳаллий вақт билан соати 9-00 да Сурхондарё вилояти “ЭРК” демократик партиясининг бир гуруҳ аъзолари туман ИИБ тарафидан ҳибсга олинганлар.

Уларнинг қўлларида мавжуд бўлган “ЭРК” партиясининг хужжатлари, ноутбук ва мобил телефонлари тортиб олинган. Уларга қўйилган айблар “сир” сақланмоқда.

Биз Қумқўрғон тумани ИИБининг ходимларига мурожаат қилганимизда, “суд ҳукми чиқмарилмагунча, биз ҳеч қандай маълумотлар беролмаймиз.” деган ўзини таништиришни хоҳламаган ИИБининг мулозимини.

“ЭРК” партиясининг аъзолари 72 соат давомида туман ИИБнинг “КПЗ”сида оч ҳолда сақланаётгани маълум бўлди.

ИИБ ходимлари уларга нисбатан куч ишлатганлиги, инсон ҳуқуқларини поймол этаётгани тўғрисида хабарлар ҳам мавжуд...

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани “Жиноий ишлари бўйича суди”нинг судьяси йўқлиги туфайли, ушбу “жиноий иш”ни Термиз шаҳар “жиноий ишлар бўйича суди” томонидан кўриш тавсия этилган. Суд иши 2013 йилнинг 6 апрель куни маҳаллий вақт билан кеч соати 19-00 да бўлади.



Бундан ташқари, маҳаллий фуқароларнинг бизга берган маълумотларига кўра, “Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида қотиллик юз берган.

Шу қотиллик изидан тушган ИИБ ходимлари Шўрчи туманига қўшни Қумқўрғон туманидан изламоқдалар. Жиноятни содир этган қотил Сурхондарё вилояти бўйича қидирилмоқда...”

Фахриддин Тиллаев

**(Ўқувчидан мактуб)**

1979 йил Ислом динининг қайта оёққа туришида муҳим сана ҳисобланади. Шу давргача Фаластиндаги ёки Мисрдаги урушлар антиимпериалистик аҳамиятга эга бўлган бўлса, эндиликда сиёсий Ислом очикдан очик мафкура сифатида ўз ўрнини талаб қила бошлади.

Бу икки мақсад ҳам тўлалигича амалга ошди. 1989 йилда Қизил Армия Афғонистонни ташлаб чиқди, бу ҳолат ўз навбатида Коммунистик тизимнинг емирилиши, Берлин деворининг қулаши ва Совет Иттифоқининг парчаланишида ҳам катта рол ўйнади.

Эронга келсак, у ўзининг Исломий революциясини четга экспорт

виш қилмайди, аксинча бу урушда ўлганларни мусулмонлар уларнинг жаннатга тушишига ишониб хурсандчилик ила охиратга кузатадилар.

Бундай лоқайдлик асносида АҚШ томонидан бир нечта кўнгилчиларни ўзига жалб қилувчи марказлар очилади, АҚШнинг ҳарбий лоббилари бу марказларга улкан маблағлар ажра-

**МУСУЛМОН ДУНЁСИДАГИ БАЪЗИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА**

қилишни урдасидан чиқа олмайди (Жанубий Ливандаги «Ҳизбуллоҳ» бундан истисно). Эроннинг кўзлагани асосий мамлакат бўлмиш Ироқ унинг энг хавфли душманга айланди, ва икки давлат орасида кечган саккиз йиллик уруш Эроннинг силласини қуритди ва икки давлат муносабатлари-

тади, уларга Эрондаги шиаликнинг кучайишидан ва Форс кўрфазида ҳокимиятни бой беришдан чўчиган шайхлар ҳам келиб қўшилади.

Бу марказлар Яқин Шарқ ва бошқа Араб мамлакатларининг Исломий университетларидаги талабаларни ўзига жалб қилиб, Афғонистонга жўнатишда жуда катта рол ўйнади. Совет Иттифоқиға қарши олиб борилган бу уруш АҚШ учун арзимаган пулга амалга оширилди.

Умумий ҳисобда бу маблағ йилга ўртача 1,2 миллиард доллар сарфланиб, бу маблағнинг ярми Форс кўрфази мамлакатлари томонидан ажратилгани айтилади.

Бундай ажойиб геостратегик тактика ўша пайтда АҚШ учун ҳеч қандай хавфга эга эмас эди.

АҚШ режасига кўра, Совет Иттифоқи бутунлай мағлуб этилгач, жиҳодчиларни молиялаштиришни тўхтатиш уларнинг йўқ бўлишига олиб келиши керак эди.

Лекин АҚШнинг жиҳод мафкурасини инструмент сифатида ишлатиши бир пайтнинг ўзида Ислом дунёсига янги умидни, яъни Ҳалифаликни қайта куриш амбициясини баҳш этган эди.

Шундай қилиб, АҚШнинг бепарволиги оқибатида макон ва марказга эга бўлмаган янги бир хавфли душман пайдо бўлди ва бундай бирёқлама стратегия бадалини АҚШ 2001 йил 11 сентябр воқеалари ва Афғон, Ироқ урушлари давомида тўлашга мажбур бўлди ва ҳозирги кунда ҳам тўлашда давом этмоқда.

Исломий радикал гуруҳларнинг Совет Иттифоқиға қарши жиҳоддан сўнг АҚШга қарши жиҳодчиларга айланиши жараёни ўта мураккабдир. Бу ўз вақтида Ислом доктринаси ҳамда мамлакатлар геостратегияси билан узвий боғлиқ бўлиб, бу жараёнда махфий хизматлар асосий воситачилик ролини ўйнаганлар, деб ҳисобланади.

Албатта бу билан боғлиқ маълумотларга эга бўлиш қийин масала, лекин сўнгги пайтларда матбуотда омма эътиборига ҳавола қилинган маълумотларга таянган ҳолда, ҳолис таҳлил олиб боришнинг имкони мавжуддир.

Айнан 1979 йилда дунёдаги сиёсий ўзгаришларда Ислом дини тарафдорларининг қайта сахнага келганини таъкидлаш лозим, бу ҳолат Эрондаги революциядан тортиб, Саудия Арабистонидаги Ал-Ҳарам масжидининг гаровга олиншига ҳам тегишлидир.

Яқин Шарқда Исроил ҳукуматининг тобора кучайиши ва айниқса «олти кунлик» урушдан сўнг Араб дунёсида Ғарб дунёсига қарши норозиликлар кучая борди. Саудия Арабистонида Каъба жойлашган масжиднинг бир гуруҳ қуролланган талабалар томонидан гаровга олинши ва уни озод қилинишида француз махсус кўшинларининг ишлатилиши (эслатиб ўтамиз, Макка шаҳрига мусулмонлардан ташқари ҳеч қандай дин вакиллари киритилиши мумкин эмас) мусулмон дунёсида катта норозиликни келтириб чиқарди.

Боз устига, Эрон раҳбари Ҳумайний бу фитнанинг АҚШ томонидан уюштирилганлигини эълон қилиши норозиликларни янада кучайтирди. Покистон ва Ливанда АҚШнинг элчихоналарига ўт қўйилиб бутунлай кули кўкка совурилди. Афғонистонга СССР интервенцияси ҳам АҚШ ва араб мамлакатлари учун жуда қўл келди.

АҚШ бу «жиҳоддан» икки стратегик мақсадни кўзлаган эди.

Биринчиси, Совет Иттифоқи учун Афғонистонда аянчли «Вьетнам» ҳолатини яратиш, иккинчиси — Революцион Эроннинг таъсири остида бутун дунёда Исломий кўзғолишнинг ёйилишининг олдини олиш. Бунинг учун Ислом дунёси эътиборини бошқа масалаларга йўналтириш.

ни узоқ йилларга музлатиб қўяди.

Ғарб билан иттифоқдош бўлган мусулмон мамлакатлари учун Афғонистон Исломий радикализмни «экспорт» қилиш учун катта имконият яратди. Америка томонидан «Ёвуз Империя»га ва «худосизлар» босқинига қарши жиҳод пропаганда-си барча мусулмон мамлакатларидаги норозилик кайфиятидаги аҳоли учун ниҳоят «Кофирларга қарши» қуроли кураш имконини яратган эди.

Мағриб ва Машриқдан келган минглаб кўнгилчилар Афғонистондаги Совет кўшинларига қарши «жиҳод»га келиб қўшилдилар. Вашингтон наздида Афғон уруши икки томонлама ғалаба ва, қисқа қилиб айтганда, тенги йўқ ишбилармонлик бўлиб туюларди.

Вьетнам урушидан фарқли равишда бу уруш АҚШнинг ўша даврдаги ички ва ташқи сиёсатига ҳеч қандай зарар етказмаганди. Чунки бу урушда АҚШ кузатувчи ва мусулмонларни қўллаб-қувватловчи ролини олганди. Вьетнам урушида бўлгани каби, Америка солдатларининг ўлими, уруш давомида қарор қабул қилишдаги иккиланишлар ва АҚШ ичкарисидаги қаршилиқлар бу урушда кузатилмади.

Буларнинг ўрнига Афғонистон урушида ўз-ўзидан «эркин жангчи» байроғи остида қўлига қурол олиб «ёвуз империяга» қарши уруш олиб борувчи, айни пайтда Америкага бегона соқолчилар жанг қилар эди. Улар ҳеч қандай сиёсий аҳамиятга эга эмас эди, АҚШ учун уларнинг тақдирининг ҳеч қизиғи йўқ эди, урушдаги йўқотишлар учун ҳеч таш-



Ўзбекистоннинг ноқонуний президенти Каримовнинг юрак хуружига чалингани хабари халқимизда ғамгинлик уйғотмади. Негаки халқ ноқонуний президентга аллақачон ишонмайди. Президентнинг халқ ғамидин мутлақо хабари йўқ эканини ҳамма билади. Диктатор Каримов ўзбек халқига бегона.

Ўзбекистондай тарихи ва келажаги Буюк давлат нега бугун, бунчалар маънавий ва иқтисодий инқирозга юз тутди? Сабаби Каримовнинг мамлакатда юритаётган ўзбошимча ички ва ташқи сиёсатидадир.

Диктатор сиёсатининг асосида ўзининг ва оиласининг шахсий манфаатлари ётибди.

Юрак хуружи (инфаркт миокард) касалига чалинган одам, ишга ёроқсиз ҳисобланиб, иш фаолиятини тўхтатади. Чунки у ўзини асраши керак. Яъни, унинг ортиқча эмоционал ҳолати касални зўрайтириб, юракнинг фаолиятини батамом тўхтатиши мумкин. Каримов бу ҳолатда нима қилади? Албатта, у президентлик фаолиятини тўхтатмайди. Лавозимидан ўз хоҳиши билан кетиши учун, унинг иродаси мутлақо йўқ. Сабаби у халққа ишонмайди. Халқ унга ишонмайди ва Каримов ўзбек халқидан кўрқади.

Каримов диктатурасининг моҳияти шундан иборатки, буйруқбознинг буйруғини бажариш жараёнида амалдор йўл кўйган жиноятлар унинг меҳнат фаолиятига таъсир қилмайди. Амалдор буйруқни астойдил бажаришга ҳаракат қилади. Чунки иш жараёни, амалдор жиноят қилса ҳам унга қатта даромад келтиради. Агар буйруқ бажарувчи, ўз ишида “каттанинг” кўргазмасидан четроққа чиқса, зудлик билан расмий кодексларнинг моддалари ишга тушади. Амалдор айбланади. Яъни, амалдор ноқонуний буйруқни бажармагани учун “қонуний” айбланади. Ишдан бўшатилади. Диктатуранинг бу хусусияти Каримовнинг тахтда ноқонуний ва узоқ вақтлардан бери ўтиришини таъминляпти.

Каримов диктатурасининг яна бир хусусияти меҳнаткаш халқ учун, шундай шароит мавжудки, амалдорга пора бермаса иш битмайди. Бу шароит амалдор учун хизмат қилсада аммо жамият тараққиётини орқага сурапти. Миллатимиз топган даромадининг бир қисмини порага сарф қилапти. Пора олгани ёки бергани учун жамиятимизда, ҳалигача бирор амалдор шахс жиддийроқ жазога тортилмаган.

Ислол маданияти катта салоҳият билан, дунё сиёсатида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Кўпгина мусулмон давлатлари бугун у ёки бу кўринишдаги диктатура зулмида яшамоқда. “Араб баҳори” сингари инқилобий ўзгаришлар эса, энди ҳар қандай диктатуранинг ҳам узоққа чўзилмаслигини кўрсатапти. Бизнинг маълум халқимиз ҳам яқин кунларда Каримов диктатурасининг тугатилишини ва адолатни талаб қилиб, кўчага чиқажак, инша Аллоҳ.

Каримовнинг давлат сиёсати чуқур кризисда. Диктатуранинг бошқарув си-



## АЛБАТТА, ТОНГ ОТАЖАК

стемаси, “каттанинг” талабига яраша фаолият кўрсатапти. Мустабид тузумнинг тинкаси қуриган. Каримовнинг давлат сиёсати халққа зулм ўтказишга ва куч ишлатар тизимларнинг диктатор ноқонуний буйруқларини бажаравериш хусусиятига асосланган.

Бугун замон ўзгарапти. Европада кечаётган, изига қайтмас инқирознинг асосий сабаби цивилизациялар тўкнашувидадир. Яратганга иймони кучли бўлган шарқ миллатлари ишлаб чиқаришнинг юксак технологиялари воситасида мамлакатлари иқтисодини кескин ривожлантираётдилар. Ўтмишда машина усули технологиясининг асосчиси бўлган ғарб бугун шарқ жамият тузуми олдида ўз ожизлигини кўрсатапти. Яъни, ғарб махсулот ишлаб чиқаришнинг рентабиллиги, ҳажми ва сифати бўйича шарқдан орқада қола бошлади.

8-14 асрларда инсоният тарихида жамият тараққиётнинг юксак чўққиларини намоён қилган Ислол цивилизацияси бугунги кунда ҳам ўзининг улкан имкониятларини ишга солиш арафасида турибди. Бунинг учун, дунёнинг Ислол мамлакатларида ўрнашиб олган, “ўзига хос ва ўзига мос” диктаторлар давлат бошқарувида кетишлари керак. Ёки уларни кетказиш керак. Бу тажриба албатта амалга ошадиган давр талабидир.

Мамлакатимизда шу пайтгача, куч ишлатар идоралари тепадан келган буйруқбозлик элементларига асосланиб, зулм билан Каримовнинг шахсий манфаати учун, мустабид тузумни ушлаб турдилар. Бугун халқ Каримов ваъда қилаётган келажаққа ишонмайди. Куч ишлатар тизими раҳбарлари ҳам буни тан олган кўринади. Уларнинг ҳатти ҳаракатларида ҳам демократия элементлари кўрина бошлади. Очкўзлик билан ҳокимиятга ёпишиб олган президентнинг, ҳокимиятни ушлаб туриш имкони кундан кунга суствлашапти. Бунинг устига у бугун инвалидлик даражасида касалдир.

Давлат бошқаруви зулми ортирган сайин муҳолифат бош кўтаради. Қачондир Каримовнинг назарига тушган, шу тузумнинг махсули бўлмиш Шавкат Мирзиёев президентликка номзод эмиш. Унинг биринчи ўринбосори Рустам Азиев ҳам ўз номзодини кўрсатар эмиш.

Технологик тараққиёт бошқарув идеологияси юксак манавиятга, урф одатга ва миллий маданиятга асосланган давлатлардагина иқтисодий ва ижтимо-

ий ривож тўлалигича таъминланапти. Бизнинг мамлакатимизда, юксак манавият масаласи Ислол таълимоти билан ечилажак. Инша Аллоҳ!

Халқимиз турли қийинчилик даврларини бошидан кечирди. Чор Россияси ҳукмронлиги даври ” халқлар қамокхонаси” деб номланар эди. Коммунизм даврини, “Во имя народа, для благо людей” деган бақирик билан кўкларга кўтариб макталган. Каримов тузумида

эса “Азиздир инсон, бу муқаддас Ватанда” шиори билан кўчалар тўлдириб

ташланган.

Лекин ҳеч бир даврда, чиройли шиорлар билан чиройли жамият қурилмаган.

Коинотни, борлиқни, табиатни, одамни, ҳайвонат дунёсини яратган ягона Аллоҳдир. Унинг қудрати тенгсиз, иродаси чексиз. У кўргувчидир, У билгувчидир, У бергувчидир. Бизни яратган Аллоҳ одамзот жамиятининг ривожланиш қонунларини ҳам яратди. Яратганга беадад шукрлар бўлсин. Миллатимиз ер юзидаги Ислол тараққиётга ўз ҳиссасини қўшган. Диёримиз буюк Ислол цивилизациясининг ажралмас қисми ҳисобланган. Шунга қарамасдан бугун юртимизда Ислолни ва мусулмонларни камситиш давом этапти.

ЎХХ Ўзбекистон халқини ҳақ йўл билан адолатли жамиятга бошловчи ягона сиёсий ҳаракатдир. Агар ЎХХ вакиллари ҳукумат бошига келсалар, жамиятимизда инсонларимизнинг муқарамлик мақомига эришувига тўла шароит барпо қилажақлар. Ана шундагина жамиятимиз ўзининг адолатли ва баракатли мақомига эришади.

Бугунги давлат сиёсатидан мадори қуриган халқ зулмга қарши исён кўтаришга тайёр турибди. Каримовлар оиласининг алдош ва чўпчаклари халқнинг ғазабини баттар кўзгатапти. Бу вазиятда ҳар бир инсон кимга хизмат қилишни чуқур ўйлаб, уни танлаши керак. Каримовлар оиласига хизмат қилиш керак-ми? Ёки кўпдан бери алданиб келаётган, кўхна ва навқирон халқимизга-ми? Албатта халқимизга хизмат қилайлик.

Зиёлиларнинг қатта қисми ва президент агрофидаги баъзи амалдорлар ҳам тўғри йўлни, яъни конституциявий йўлни танлайди, деб ўйлайман. Бизнинг конституцияимизнинг моддаларига биноан иш тутиб ҳам, мамлакатда адолат сиёсатини амалга ошириш мумкин. Негаки Каримов ва каримовлар оиласи конституция кўргазмаларига амал қилмаслиги фуқароларимизга маълум. Бу оилабошини ва оила аъзоларини, оддий фуқаролик кодекси билан ҳибсга олиб, жиноий жавобгарликка тортса бўлади.

Мен ҳуқуқ тартибот идораларини, куч ишлатар тизими ходимларини, мамлакатдаги жорий қонун қоидаларга биноан ишлашга қақирардим. Ана шунда биз халқ томонда турган бўламиз. Ана шунда биз адолатли келажақ томон қадам ташлаймиз.

**Жуманиёзов Нураддин**  
ЭРК ДП аъзоси

## БУГУН НАМАНГАН ШАҲАР «ЧОРСУ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ДА НАВБАТДАГИ ТАЛОН-ТАРОЖ СОДИР БЎЛДИ



Куни кеча эрталаб соат 9:00 лар атрофида ҳозирда иш фаолияти вақтинча тўхтатилиб қўйиб, қайта тамирланаётган «Чорсу деҳқон бозори» худудига бир гуруҳ Давлат ходимлари ёппасига бостириб келишди ва ҳеч бир огоҳлантиришсиз савдо-сотик билан шуғулланаётган савдогарларнинг молини куч билан тортиб ола бошлашди.

Бу гуруҳдаги Бахтиёр Бадалов бошчилигидаги Наманган солиқ ходимлари, Чорсу бозорига масъул зобит капитан Камолхон бошчилигидаги 10дан ортиқ милиция ходимлари, Наманган шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳамда Наманган вилоят «Ахборот маркази» ходимлари биргаликда тадбир ёхуд талон-тарож қилиш операциясини ўтгаздилар.

Бунда 20 га яқин фуқароларимиз мулклари куч билан тортиб олинди ва огоҳлантиришсиз ҳамда Давлат хисобига мусодара этилди. Айниқса милиция ходимлари Дилшод ҳамда Мажидхонлар ўзларининг кучлари қай даражада эканини намоён этишдилар.

Тортиб олинганлар мулки 2 миллион сўмдан тортиб 8 миллионгача етти. Бу мулк юк машиналарига фишт орт-

гандек отиб юкланди ва тегишли ерга олиб кетилди. Бу ҳолатни эса вилоят ҳокимлиги «Ахборот маркази» ходимлари бевосита тасвирга туширдилар аммо фуқаролардан куч билан тортиб олиниш ҳолатларини четлаб ўтдилар.

Милиция ходимлари йиғилган омма-ни тасвирга олиб жавобгарликка тортиш билан пўписа қилдилар.

Мусодара товарлари қуйидагилар эди: парфюмерик воситалар, қамарлар, оёқ кийимлари, кийим-ке-чаклар ва хк.лар. Мазкур тадбир юзасидан ҳеч қандай тушунтириш ишлари олиб борилмади. Бу талон-тарож сахнаси 9:00 лар чамаси бошланди ва 11:30 ларгача давом этти.

**Хикмат-ул Диёнат**  
**УХХ хайрихохи Наманган**

## ТАЛАБАЛАРДАН МАКТУБ



Ассалому алайкум  
УХХ нинг ҳурматли раҳбарлари!

Охирги вақтда бўлаётган воқеалар ва Ўзбекистондан оли-наётган хабарлар бизни шокка ту-шириб қўйди. Аммо ақлимиз яна-да теранлашди, ҳаракатимизни шахдам қилди. Ҳозирги кунда сафимиз кенгайиб, бизга ишо-надиганлар кўпайиб бормоқда. Авваллари Каримов диктату-расини ҳимоя қиладиганлар ҳақиқатлардан хабар топиб, биз тарафга ўтмоқдалар. Бунда УХХ нинг ҳиссаси катта, сизлар-нинг сайтда эълон қилинаётган мақола ва даъватларингиз дунёқарашимизни кенгайтириб, аввалги қобиғимиздан чиқишга ундайди. УХХ фақат сизлар-нинг эмас, бошқанинг эмас, ҳаммамизнинг умумий ҳаракати эканлигини ҳис қилмоқдамиз. Яқинда бўлажак ўзгаришларни барчамизнинг кўнглимиз сезиб, юракларимиз бошқача урмоқда. Бизларнинг кўзимизни очганингиз учун катта раҳмат. Ҳамиша бар-даммиз, сизлар билан биргамиз.

Ҳурмат билан  
**Ўзбекистонлик талабалар**

## МОНИТОРИНГ ЎТКАЗИШДАН ҲУКУМАТНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

4 аперль куни Қарши шаҳар «Махаллот» маҳалласида кўзланган мақсади номаълум бўлган мониторинг ўтказилди. Бу мониторинг тадбирини ўтказишга мактаб ўқитувчилари жалб қилинган ва улар сўровномаларни олиб уйма-уй юришибди. Одамлар албатта мониторингдан кўзланган мақсад нима эканлиги ҳақида саволлар беришмоқда, лекин ўқитувчилар юқоридан шундай буйруқ берилганлигини айта олишяпти холос. Яъни, улар нима қилаётганликларини ўзлари ҳам билиш-маяпти.

Сўровномадаги саволлар кўйидагича:

1. Оилада неча эркак бор?
2. Бир рўзғорда неча киши ишлайди?
3. Спорт билан шуғулланидиган фар-зандларингиз борми?
4. Россияга кетганлар борми?
5. Кореяга кетганлар-чи?
6. Кредит олишга имконингиз бор-ми?
7. Ер майдонингиз қанча?
8. Томорқангиз борми?

Мана шундай саволлар ортида нималар беркиниб ётибди экан? Эр-тага халқ учун зарар ўтмаслигига, ёки унинг фойдаси учун бирор амал қилинаётганлигига кафолат борми? Ҳар ҳолда бугунги давр ўзбеклари ўз ҳукуматлари уларнинг ижтимо-ий ва иқтисодий аҳволини яхши-лаш мақсадида бирор сайъ-ҳаракат қилмаслигига амин бўлишган.

Агар мониторинг ҳақиқат йўлда қилинаётган бўлганида эди ва бундан эл манфаати учун ижобий бир мақсад кўзланилаётган деб умид қилиш мумкин бўларди, қачонки сўровномада, масалан, қуйидагича саволлар қўйилган бўлса:

1. Оилада ишсизлар сони неча?
2. Рўзгорингизда ҳамма нарса етарли-

ми?

3. То-п-ган ма-о-шингиз ёки о-ла-ёт-ган на-фа-қан-гиз рўз-го-рин-гизни те-бра-тишга е-та-яп-ти-ми?



4. Бир ойда неча кг гўшт олиб ейишга қурбингиз етади?

5. Касал бўлсангиз, даволанишга им-конингиз борми?

6. Бир ойда коммунал тўловлар учун қанча микдорда тўлаясиз?

7. Сиздан йўқ газ учун тўлов талаб қилишадими?

8. Сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингизни про-кураатура ҳимоя қилиб берганми?

9. Судларда одиллик бор ёки йўқлиги ҳақида нима дея оласиз?

10. Фарзандларингизга витамин-га бой мева-чевалар олиб едиришга қурбингиз етаяптими?

Ҳамда бундан ташқари юзлаб са-волларни келтириб, аҳолининг мод-дий, керак бўлса, маънавий аҳволини ҳам ўрганиш лозим бўларди. Бирок сўровномада қўйилган саволлардан ке-либ чиқиб, тахминий хулоса ясайдиган бўлсак, ҳукумат ўзбеклар ўз-ўзини боқишга қодирми, ёки йўқ деган савол атрофида бош қотирмоқда. Шунда ҳам ижобий баҳо учун асос излашяпти. Яъни, оилада неча одам Россия, ёки Ко-реяда ишлаётганлигини аниқлаш – бу оилга келаётган тахминий даромаднинг микдорини аниқлаш учун. Ким билсин, балки янги турдаги солиқлар жорий эти-лар, балки нархлар ошириллар, лекин эл бирор яхшилик умид қилишга асос йўқ!

**Гулшан Қораева**



Ислохотлар чуқурлашиб, ҳалқимизнинг турмуш фаровонлиги ошган сайин менинг уйдан кўчага чиққим келмай қолган. Кўчада нима ҳам бўлиши мумкин? Ҳовли эшигидан ташқарига қадам қўйишим билан асабим бузилади. Кўчаларимиз ўнқир-чўнқир, ерлари тешилиб, тошлари сочилиб ётади.

қўққисдан сигнал чалса борми, юраги бақувват одам ҳам “президент касалига” — инфарктга чалиниши ҳеч гап эмас. Дарвоқе, “Президентимиз” ўлмай қолганига афсусдаман, афтидан унга ҳам ўлиши учун шунақа автобусча керак шекилли. Йўлимиздан янглишмайлик-да, шаҳарда ҳаракатланишда давом этайлик.

## НАМАНГАНДА ИСЛОХОТЛАР «ЧУҚУРЛАШАЯПТИ» ЁКИ ШАҲАР БОЗОРЛАРИГА БИР НАЗАР



Асфальт қилинганига ўттиз йилдан ошди-ёв. Ёғин-сочин бўлганда эса асти қўяверасиз, ҳамма ёқ шалабо, тиззагача лой. Ўзимга ўзим раҳмим келиб «қаерларда яшаймиз ўзи, ҳозир нечанчи аср?»- дея савол бераман. Илгарилари бунақа эмас эди-ку!

Кўчамиздан ўнқир-чўнқирларни эҳтиёт бўлиб ҳатлаб ўтиб катта кўчага чиқаман, бу ерни асфальти яхшироқ, машиналарнинг тез қатнаётганидан билса бўлади.

Катта кўчаларнинг асфальтини яхши сақлаш керак, чунки ўзимиздан чиқаётган «Шўрвалет», и, ие.., кечирасиз, «Шевролет» автомобиллари юрмай қўярмикан. Балки панароқ кўчаларни, яъни магистриал бўлмаган кўчалар юзасини нотекис сақлангани яхшидир, чунки Шевролет эҳтиёт қисмларининг ҳам бозори юриб туриши керак-ку ахир. Борадиган манзилимга етиш учун ўша шўргинанг тўкилгур ўзбек, ие.., кечирасиз, Шўрвалет фирмасининг етти йўловчи зўрға сиғадиган «Дамас»ини тўхтатаман. Машинанинг афтига қараб бўлмайди, ювилмаганига анча бўлганга ўхшайди-ю, аммо шодон ҳолда сакраб чиқиб оламан. Бу автомобилнинг ичида ўтириш ўзига хос ранго-ранг ҳисларни уйғотади, хайдовчини диди, фаҳм-фаросатига қараб.

Баъзисини ичида ўтиргингиз келмайди, кир-чир, чанг, лой, устига-устак мусиқа ҳам қўйиб олишади: «реп», «хип-хоп». Баъзисини сигнали шунақа баландки, паровозда ҳам бунақаси бўлмаса керак, ичида ўтиргингизда ҳам сигналнинг овози асаб толаларингизни чертади.

Баъзида пиёдаларга қарата чалинган бундай сигнал товушидан кўрқиб ҳам кетади одамлар. Хайдовчи ёшроқ бўлса борми, одам эмас, худди ўтин ташиётгандек силкитиб тормоз бериб, газ бериб юради.

Ҳозирги кунда кўчаларимизда автобусчалар ҳам пайдо бўлган. «Автобусча» деганимнинг сабаби, улар кичик, ўттиз еттита ўтириш ўрни бор. Буларни ҳам сигналлари паравозникидай!

Мен бу ерда сигнал ҳақида лоф ураётганим йўқ. Автобусча хайдовчиси

Манзилга етганда хайдовчидан машинани тўхташиб қўйишини илтимос қиламан, агар ишонсангиз, йўлнинг қоқ ўртасига тўхтайдиганлари ҳам йўқ эмас, фақат ўзини ўйлайди, орқадан келаётган бошқа машиналар ҳам тўхтаб қолади. Светофорларда тўхтаган хайдовчилар йўловчиларни чорраҳада тушиб қолишларига ҳам мўънелик қилишмайди.

Келинг, ҳозир мана шу мен чиққан «Дамас» машинасини Наманган шаҳрини ўртасида жойлашган, қурилиши анчадан бери давом этиб тугашига ҳали-бери ҳеч кимни ақли етмаётган “Чорсу” бозорининг янги дарвозаси қаршисида тўхтатайликчи.

Машинадан тушиб, нариги томонга, бозор томонга ўтиш учун келаётган автомобилларга имлаб, йўл беришларини илтимос қилиб, зўрға ўтиб оласиз. Баъзи хайдовчилар ўзлари тўхтаб йўл беришади. Бу шўрвалет қурғур мунча кўп экан-а? Нима Россиядан мардикорлик қилиб ишлаб келганларнинг ҳаммаси «шўрвалет» сотиб олаяпдимиз?

Йўлдан тезроқ ўтиб олақолай, бозорга кириб анча харид қилишим керак. Бозорга яқинлашганимни биламан, не кўз билан кўрайки, бозорнинг дарвозаси берк ва атроф жим-жит. Пашша ҳам йўқ! Узоқроқда маҳалла жойлашган тарафда, янги қурилиб, битганидан бир йил ўтиб бузиб ташланган иморат асотирларини одамлар юраверганидан текисланиб кетган жойида чайлалар кўринади. «Чайла» деганим — бу катта савдогарлар тутадиган зонтлар, шу чайлалар тагида савдо авжида экан.

Баҳор даракчиси кўкатлар анча се-роб, исмалоқ, жағ-жағ, беда, ялпизларни кўк сомса, кўк манти учун сотишаяпти. Сал нарироқда укроп, ош-кўк ичкарироқда, сут махсулотлари — сузма, қаймоқ, яшиқларда эса олма, мандарин, бананларни, нонвойлар устига ёғ сурталган патир, ширмойларни, кондитерлар ўзларининг пишириқ махсулотларини сотишаяпти.

Бу санаб ўтганларимнинг ҳаммаси ерга териб қўйиб сотилаётган махсулотлар. Атрофда харидорлар юраркан, ердан кўтарилаётган чанг ҳаммаси шу махсулотларга ҳам кўнади. Кўкатлар-у, мевалар

майлику-я, уларни ювиб истеъмол қилинади-ку, сут махсулотларини, ҳамирдан тайёрланган махсулотларни эса ювиб бўлмайди!

Аттанг, эски бозорни бузиб юборгани жуда чатоқ бўлди-да, янгиси ҳали битмасдан очиб, кейин қайта беркитишибди. Ўзи Ислон Каримов илгари бир мақолни кўп ишлатгани эсимда:

“Янгисини қурмай, эскисини бузма”! Афтидан, шу президентларнинг гапи маҳаллий ҳокимларни у қулоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетган чоғи. Савдогарлардан “нимага бу ерларда савдо қилаяпсизлар?”, “нега бозорни беркитишибди, ўзи яқинда очилган эди-ку?” — деб сўрасам, кўплари нима бўлаётганини билмас эмиш. Бозорни беркитилиши ҳақида на бир огоҳлантириш бўлибди, на бир эълон.

Афсусланиб излаганимни топа олмамай роса бозор айландим, яхшиям бир инсофли киши учраб қолиб, менга керакли сабзавотларнинг бозори ва бошқа махсулотлар бозорлари қаерда эканлигини айтиб, миннатдорчилигимни олди.

Демак, Наманган шаҳри “Чорсу” бозори тарқатиб юборилиб, ҳар хил махсулотлар энди шаҳарнинг ҳар хил бозорларида сотиладиган бўлибди. Ўша бозорларга боришни хоҳламаган савдогарлар эса кўча кўйларда милисалардан қочиб савдо қилишга маҳкум эканлар. Масалан, менга керак бўлган сабзавотлар бир ярим километр нарида, “Ғишт кўприк” даҳаси ҳудудидан, бозорга мўлжалланмаган ердан, яъни автостоянка ўрnidан жой олибди. Автостоянқачига ҳам бари бир эмасми, машина турса ҳам олаверади, савдогар келса ҳам, жой ҳаққи олаверади. Қайтанга бир автомобиль ўрнига икки-уч савдогарни жойлаштириш кони фойда.

Шундан бўлса керак, савдогар ҳам шод, стоянқачи ҳам. Ҳукуматимиз назарида ривожланиш, ислохотларни чуқурлаштириш шунақа бўлса керак. Келгусида шаҳримизга саёҳатни яна давом эттирамиз. Ҳозирча эса, ислохотларни чуқурлаштириш кузатиб турайликчи, бу ислохот дегани шунақа чуқурлашиб бораверса сайёрамизни нариги тарафи бўлган Америкадан тешиб чиқса керак...

**Илҳом Мамедов**  
Наманган шаҳри

## ТЕЛИАСОНЕРАНИНГ «ЎЗБЕК» ИШИДА УЧИНЧИ ГУМОНДОР АНИҚЛАНДИ

Телиасонера телеком ширкатининг Ўзбекистонда 3G лицензиясини сотиб олиш усулларини тергов қилаётган прокурорлар учинчи гумондорни аниқлашган.

Ширкат 2007 йилда Ўзбекистонда лицензияни сотиб олиш учун юзлаб миллион доллар пора тўлагани тергов қилинмоқда.

Телиа раҳбарияти хабар агентликларига прокурорлар эндиликда бу иш билан боғлиқликда уч кишини тергов қилаётганларини билдирди.

Телиа бу айбловлар асосиз деб келади.

Ширкат воизи Саломон Бекеле учинчи гумондор эндиликда Телиа ширкатидан ишламаслигини айтди.

Қолган икки гумондор ширкатда ўз фаолиятларини давом эттирмакдалар.

Прокурорлар Телиа 3G лицензияси учун Гибралтарда рўйхатдан ўтган Такилант ЛТД фирмасига 2.3 миллиард швед кронасини тўлагани ва бу фирма аслида Ўзбекистон президентининг қизи Гулнора Каримовага тегишли бўлганини билгани борасидаги айбловларни тергов қилишмоқда.

Швед маҳкамаси Такиланга тегишли мол-мулкни музлатган.

Телианинг илтимоси билан ҳуқуқшунослик идораси олиб борган мустақил тергов порахўрлик ёки пул ювиш ҳодисаси юз берганига далил-исбот топа олмаган, аммо керакли тек-

ширувлар олиб борилмагани туфайли порахўрлик қайсидир босқичда юз берган бўлиши мумкин, дея хулоса қилган.

Бу хулоса ортидан ширкатнинг собик раҳбари истеъфо берганди.

Айни дамда Телиасонеранинг янги бош ижрочи директори Мари Эйрлинг ширкатнинг хорижий бозорлардаги барча олди-бердиларини тубдан текширишга буйруқ берган.

Эйрлин хоним бу текширув учун мустақил ҳуқуқий идорани ёллашини билдирган. Мазкур текширув Ўзбекистон бўйича терговни олиб борган Майнхаймер Свартлинг терговидан анча катта бўлади.

[bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek)

## ТАВБА ЭШИКЛАРИ ДОИМО ОЧИҚ

Ҳар ишнинг охири бўлганидек, Диктатура ҳам ўзининг халқни алдаш лойиҳасининг энг юқори чўққисига чиқиб бўлди. Энди у ўша чўққидан қулашга маҳкум. Диктаторнинг юрак хуружи сабаб аввало диктатор атрофидагилар, ҳаммадан ҳам тахтга даъвогар Гулнора хоним қўққисдан рақибларини эслаб қолганидек, халқ ҳам бир сесканиш ила сеҳрдан халос бўлди, гўё.

Одамлар кимирлаб қолишди. Халқ чекаётган хорликларнинг бошида ҳукуматнинг ўзи турганини авваллари шивирлаб айтишарди, энди бўлса одамлар четдаги муҳолифатга қизиқишмоқда. Оғиздан оғизга ўтаётган ахборот, муҳожиротдан эсаётган "Ўзхалқҳаракати"нинг шабадаси шу ёйилишда давом этса кутилган баҳор ерни ҳам элни ҳам уйғотажаги башорат қилинмоқда. Эҳтиёткор халқмиз-да, орада "Секинрок, деворнинг ҳам қулоғи бор", дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Ҳа, тўғри, на фақат девор, оёқ тагидаги ернинг ҳам қулоғи бор. Ҳар биримизда иккитадан эмас, балки тўрттадан қулоқ бор. Ҳатто нима ўйлаётганингизни ҳам суғириб олиб эшитадиган қулоқлар бор, деган эди бир домла-отахон. Уша қулоқлар ҳам бегона эмас, МХХ, ИИБда ишлаётганлар ҳам ўзимизнинг болаларимиз. Лекин кўплари адашаётганликларини билишмайди. Билишганида эди, тавбага қайтиб, "юз кишини ўлдирган қотил" каби ҳақиқат ва яхшилик томон бор кучи билан йиғлаб интилган бўларди.

Ривоят шундай мазмунда эди.

"... бир юртга бир мунофиқ подшо бўлибди. Подшонинг хулқ-атвори, феъли-табиати аста-секин атрофидагиларга юқиб, ундан сўнг бу касал халқ орасида ёйилибди. Ёлғончилик авж олибди, кейин-кейин турли фасод ишлар, қотилликлар кўпайгандан кўпайибди.

Бир қотил ахири бир кун ўз ҳаёти жонига тегиб, яхши одам бўлгиси келиб қолибди.



қилганман, тавба қилсам, Худо кечирармикан, деб сўрабди.

– Қандай гуноҳлар қилгансан?– деб сўрабди руҳоний.

– Мен тўқсон тўққизта одамни ўлдирганман,– дебди қотил.

Руҳоний кўрқиб кетибди ва сенинг жойинг жаҳаннам экан, деб юборибди. Ундай бўлса, деб қотил руҳонийни ҳам ўлдириб йўлида давом этибди. Юриб-юриб яна бир соқоли кўққисга тушган отахонга дуч келибди, сўрабди:

– Мен жуда ёмон гуноҳ ишлар қилганман. Худо кечиришини, яхши одам бўлишни хоҳлайман, дебди қотил ва бошидан ўтганларини чолга гапириб берибди. Чол унга, сен бу мунофиқлар юртидан кетишинг керак. Бу шахар ҳокими-ю, одамлари фикс-фасодга ружу қўйганлар. Биздан қанча ҳам юрсанг олдингдан бир шахар чиқади, одамлари ростгўй, бир-бирига меҳр-оқибатли. Ана ўшалар ёнига борсанг, улар қилган ишни қилсанг, албатта Аллоҳнинг раҳмати чексиз, кечиради, дебди. Қотил шамолдек учибди. Жон-жаҳди билан югириб кетаётиб, йиқилибди ва ўша заҳоти жон берибди.

Уша замони жаннат ва дўзах фаришталари пайдо бўлиб, ҳар бири жасад устида "бу меники", "бу меники" дея тортишибдилар. Дўзах фаришталари, бу одам юзта одамни ўлдирган, бунинг жойи дўзахдир, дебди. Шунда ғойибдан "уликнинг ётган жойини ўлчанглар, жасад агар яхшилар юртида ётган бўлса у жаннатийдир, агар ёлғончилар, фосиқлар юртида бўлса дўзахийдир", деган овоз келибди.

Қотил икки юрт чегарасида йиқилган бўлиб, жасадининг катта қисми ростгўйлар, яхшилар юртига тўғри келган экан, унга жаннат фаришталари эга чиқибди.

Қиссадан ҳисса, ҳозирда МХХ-ю, ИИБда ишлаётганларга таъна тошлари тинимсиз отилмоқда. Улар орасида адашганлар, пушаймонга тушганлар ҳам кўпдир. Чунки улар ҳам ҳаммамиз каби шу халқнинг, ота-буваси мўмин-мусулмон ўтган инсонларнинг фарзандларидирлар.

Айбсиз Парвардигор, хато қилган бўлишлари мумкин, аммо ўзини қандай қутқарсам, дея боши қотаётганлар қанчадир. Сиёсатчи Усмон Ҳақназаров ҳам, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳ ҳам МХХ ичидаги ўзимизникилар ҳақида ҳурмат билан ёзишмоқда-ку. Шундай экан, улар битта иккита эмас, ўнта, юзта, мингта... бўлиши мумкин. ИИБда ҳам соф виждонли йигитлар кўп. Маҳаллада, кўча-кўйда "боринг, мен сизни кўрмадим", дея қанча одамларни ноҳақ жазоланишдан сақлаб қолувчи милиционерлар ҳақида эшитамиз. Ундайлар ҳеч қачон халққа қарши қўл кўтармайдилар.

Бугунги вазият шуни кўрсатмоқдаки, чорак асрлик зулм ва ситам салтанати Диктатор зурриёдлари томонидан ва бошқа мафиявий кучлар томонидан давом этиши на диктатура шотирлари, на МХХ, ИИБ масъуллари томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч йўқ. Ўзбекистон танлаши мумкин бўлган тўғри йўл эса битта– ҳақиқат йўли, халқни бахт-саодатга элтувчи, Аллоҳ розилиги, халқ иродасини ўзида акс эттиришга қодир йўл, ҳозирча Ўзбекистон Халқ Ҳаракати тутган йўлдир.

Миллат ватанпарвар шоири ва муҳолифат лидери Муҳаммад Солиҳ эзгу ният билан тилга олган "инқилоб" сўзи миллатнинг сал кам 1,5 асрлик мустақиллик орзуси амалга ошган бир кун– ҳақиқий миллий инқилоб рўй берган кун сифатида тарихга кирар, инша Аллоҳ...

**Абдуқодир КАРИМ**





## ЖАМИЯТШУНОС БАҲОДИР МУСАЕВ: «ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ЭНДИ ОРТГА КЕТИШНИ ИСТАМАЙДИЛАР»

Муҳаммад Солиҳни фаол ижодкор, мутаоладан тўхтатмаган, эшитишни, кенг ва образли фикрлайоладиган шундай лидерлардан бири деб билмаслик инсофдан бўладими?

Нега А. Малашенко Ўзбекистондаги норозилик салоҳияти «псевдodemократик (ёки квазидемократик деса яхшироқ бўларди) фигуралар, тузилмалар ва ҳатто ақидапарастлар устунлик қиладиган» курашга айланиб кетади, деб ҳисоблайди? Ва ниҳоят, профессор куйидаги хулосага келади: «Менинг ўйлашимча, ҳамма нарса қизғин инқилоблар эмас, мусулмон-византия йўли билан ҳал бўлади». «Мусулмон-византия» деган иборага эътибор беришингизни сўрайман. Бошқача айтганда, олим норозиликнинг биргина шаклини мутолқлаштириб, кураш усулларидаги муқобиллик эҳтимолидан кўз юммоқда. А. Малашенко ҳозир Ўзбекистонда кишилар онгида инқилоб юз бераётганини назарий маънода ҳам тан олишни истамаяпти. Норозилик ва унинг оқибатларини сунъий равишда биргина нарса – ислом инқилобига олиб келиб тақаш мумкин эмас. Шунингдек, инқилобда ислом омили ҳақида гапирар экан, исломнинг табиатига кўра радикал эканлиги каби беъмаъни хулосага олиб келмаслик керак. Малашенконинг бундай деб ўйламаслигини биламан. Менга бу унинг мақолалари ва бошқа ишлари орқали яхши маълум. Интервью матнида биз умуман бошқа нарсани кўрамиз. Бу ерда рус тадқиқотчиси Ўзбекистонда норозилик иштирокчилари албатта ақидапарастлар ёрдамига шошиладилар, деган фикрни постулат сифатида бермоқда. Ўзбекистондаги Ислом радикал эмиш. Тарихчи ва исломшуносга биздаги исломнинг ҳанафийлар йўналишида эканини мен эслатсам тўғри бўлмаса керак. Радикал дейиш Ислomни ҳақорат қилади. Балки, истамаган ҳолда, А. Малашенко Ислom динининг замонавий дунёдаги ролини пастга урмоқда.

Бундай мантиқий хулосалар етарли даражада далиллар билан

мустаҳкамланмагани сиёсатшунос учун кечириб бўлмас ҳол. Назаримда олим инқилобларнинг тинч ва «бахмал» эмас, балки фақат «бахмал» бўлиши мумкинлиги, ҳамда, фақат диктатор Каримовнинг «тинч» йўл билан кулатишга олиб боришини «исботлаш» истагига берилиб кетган. Бундан яна бошқа хато келиб чиқади. Бу хато А. Малашенконинг гўёки Фарб Марказий Осиёда (албатта Ўзбекистонда ҳам) демократияни ўрнатмоқда деган тезисга ишонишга майли борлигидан иборат. Бу нарсада собиқ Совет ҳудудидаги сиёсий технология сифатидаги антиамериканизм ҳиди анқиб турмаса ҳам, Фарб билан АҚШ демократияни куч билан ўрнатишга интилаётгани ҳақидаги Россияда эълон қилинаётган мақолалар билан ҳамоҳангдир. Шу ерда тошкентлик сиёсатшунос Фарҳод Толиповнинг ишидан парча келтириш ўринли бўлса керак. «Антиамерика кайфияти кучаймаётир. Бу нарса фақат эски, кетаётган элита ва иқтисодий, сиёсий доиралар орасида ўсмоқдаки, улар учун ўз мавқеларини сақлаб қолиш демократик келажакка қараганда афзалроқдир. (Қаранг, Фарҳод Толипов. Антиамериканизм собиқ Совет кенглигидаги сиёсий технология сифатида. 1-қисм. www.arp.kz, 23.01.06).

4. Ва ниҳоят, М. Солиҳнинг юқорида аталган икки нутқида Аждар Куртов якунловчи жавоб ёзмоқда. Мен унинг чиқишида куйидаги нарсага эътиборни қаратган бўлардим. Биринчидан, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос назаримда А. Малашенконинг Каримов режимининг душманлари сўзсиз ақидапарастлар билан иттифоқ тузишга шошиладилар, деган позициясини такорлаётгандай. «Россия фуқароси ва Марказий Осиёга бегона бўлмаган одам сифатида бу либерал ўзбек мухолифат сиёсий курашнинг зарур пайтида ҳокимиятни эгаллаб олишини истамас эдим, деб ёзади А. Куртов. Унинг позицияси кишини ҳайратга солади. Вақтдан фойдаланиб мен, «Хўш, унда мана шу либерал мухолифат нима қилсин?» деган саволни беришни истардим.

Гўёки совет давридани кейин мана шундай либерал ижодий зиёлилар орасидан чиққан вакиллар сиёсий ҳокимиятнинг юқори поғоналарига кўтарилгач, ўзлари бошқараётган давлатни ёмон аҳволга солиб қўйганига мисоллар борлиги туфайли ўзбек мухолифати лидеридан шубҳа қилиниши менда фақат таассуф уйғотади. Бу жиддий далил эмас, бир вазиятни бошқа мамлакатдаги вазиятга қиёслаб хулоса чиқариш ҳам нотўғри. Куртовнинг Солиҳ ҳақида гапиратиб, ундаги

инсонпарвар зиёли шахсининг ундаги прагматик сиёсатчи шахсига енгиллиги ҳақидаги таъкиди умуман ақлга сиғмайдиган иш. Санъат одами сиёсатда радикал бўлиши мумкин эмас. Мухолифатчининг тинч инқилобга чақирлиши унинг мавжуд режимга қарши курашда қонун доирасидан чиқмаслик тарафдори эканини кўрсатиб турибди.

«Менинг фикримча, - деган эди М.Солиҳ ўзининг 2005 йилнинг 19 январ куни ўқиган нутқида, - Каримов мисолида бу режим ўзини қайта қуришга ноқобил экани, уларнинг ўзгартрилиши лозимлигини кўрсатди. Дипломатик ўйин ўйнаб, бундай режимларни чала жазолаш мумкин эмас. Демократик давлатда қотиллик юз берганда қотилни чала-ярим жазоламайдилар. Бу ҳуқуқий норма давлат қотилларига нисбатан ҳам қўлланилиши керак, деб ўйлайман».

Кучли ва қатъий айтилган, аммо тўғри гап.

И. Каримов раҳбарлигидаги ҳокимият мухолифат билан диалог қуриб, келишув жараёнининг тинч йўли билан бормайди. Режим боши берк кучага кирди. Бу ночор ҳолатнинг сабабларидан бири сифатида халқаро изоляцияни айтиш мумкин. Нима, ҳаммаси ўтиб кетишини, ҳозирги раҳбарлар ва элитанинг алмашишини кутиб ўтиравериш керакми? Албатта, йўқ. Нимага режимни кетишга мажбур қилиш учун Фарбнинг ёрдами инкор қилишимиз керак? Наҳотки М. Солиҳнинг 19 ва 20 январ кунлари ўқиган нутқларидаги мақсадларида деструктивлик бўлса?

«Эрк» партияси лидери платформасини қўллаётган тарафдорлар демократияни қон тўкиш орқали кўришни назарда тутмаяптилар. Бу ўринда мухолифатнинг идеологик вазифаларидан бири жамоатчиликнинг «бахмал инқилобни» ҳақорат сифатида қабул қилмаслигига эришиш, оммани инқилобий ўзгаришларнинг Бастилияни, Қишки саройни олиш, Аминни кулатиш билан баравар эмаслигини тушунтириш. Одамларнинг кўзини очиш, фундаментал, яъни инқилобий ўзгаришларни амалга оширишни ҳокимиятнинг ўзи ҳам истаётгани ҳақидаги афсоналаридан қутқазиб керак. Биз буни охириги 15 йил давомида ўтиб келяпмиз. Ахир ҳар бир ўзбекистонлик атрофига боқиб, «ислохотчи давлат»нинг хўжа кўрсинга ўтказган ислохотлари натижаларини кўрмоқда. Ҳақиқатан, «... уларнинг меваларига қараб уларни таниб оласиз». (Матфей Инжили 7:20).

(2006 йил 29-30 январ. Тошкент)

**КИРҒИЗИСТОН УНИВЕРСИ  
ТЕТЛАРИДА МУҲАММАД СОЛИҲ  
ИЖОДИ УРГАНИЛА БОШЛАДИ**

www.erkinyurt.org, 11.02.2006

«Озодлик» радиоси хабарига кўра, Ўзбекистон ЭРК демократик партияси раиси, шоир Муҳаммад Солиҳ ижоди Қирғизистон олий ўқув юртларидан бирида, Ўш Давлат университетида ўрганила бошлади. «Шоир Муҳаммад Солиҳ ижодисиз ўзбек адабиётини тасаввур қилиб бўлмайди», дейди Ўш Давлат университети ўқитувчиларидан Даврон Насибхонов ва Муяссар Холматова-лар.

Маълумки, Ўзбекистонда Муҳаммад Солиҳ шеърляри расман таъқиқланганига, мана, 10 йилдан ошди. Унинг китоблари кутубхоналардан йиғиб олиниб, йўқ қилинган, дарсликларга кириб қолган шеърляри эса, дарсликлар ичидан йиртиб олинган. Ҳатто Каримов режими югурдақларининг ахмоқлиги шу даражага етганки, улар ўрта асрларда яшаб ўтган ўзбек классик шоири, «Шайбонинома» асари муаллифи Муҳаммад Солиҳ ижодига қарши ҳам дахл қила бошлаган эдилар.

**МУҲАММАД СОЛИҲ ИЖОДИ  
АТРОФИДА МУНОЗАРА**

Би-би-си, 15.02.2006

Ташаббус муаллифлари бўлмиш ёш муаллимлар ушбу ҳассос қаламқаш асарларисиз ҳозирги замон ўзбек адабиётини тасаввур қилиш қийинлигини урғулаш билан бирга адабиётни сиёсатга, мафкурага боғлашга уриниш оқибатларидан ташвиш билдирадилар.

**Ҳозирги адабий жараён**

Мазкур ташаббус олимлар кенгашида тортишувларга сабаб бўлган. Тайёрланган дастур лойиҳасини қайта таҳлил этишга қарор қилинган. Институт муаллими Давронбек Насибхонов шундай дейди:

- Биз ўрганмоқчи бўлаётган ва ўрганаётган Муҳаммад Солиҳ 1980-йиллар ўрталарида янги овоз билан, янги бир услуб билан шеърлярга кириб келган. У ўзбек адабиётида янги бир оқимни, ўзича янги бир йўналишни, Солиҳ мактабини пайдо қилган шоир. Ростдан ҳам Муҳаммад Солиҳ адабиётда жуда катта фигура. Ва буни биз йўқотиб кўядиган бўлсак, талабаларимиз ҳам жуда кўп нарсани йўқотади.

Балки Ўзбекистонда ростдан ҳам таъқиб бордир, балки ростдан ҳам кўрқашаётгандир.

Лекин бу дегани биз ҳам кўрқашимиз керак, дегани эмас-ку. Бизга ҳали ҳеч ким таъқиқламади-ку. Нима учун энди биз ўз-ўзимиздан

Муҳаммад Солиҳни адабиётдан чиқариб ташлашимиз керак?

Уйлайманки, буни ҳеч ким таъқиқламайди, таъқиқлай олмайди ҳам. Биз Муҳаммад Солиҳни шоир сифатида, шоир бўлганда ҳам ўзбек адабиётдаги катта бир фигура сифатида ўрганаёلمиз. Ва менимча, бу ерда сиёсатнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Биз талабаларга унинг шеърлярини таҳлил этишда ёрдам бераёلمиз. Бу шеърлар нима мақсадда ёзилган? У мустақиллик учун курашган шоир эди. Совет зулмидан қутулиш учун, ўзбек тилини, туркий тилни бир мустақил тил бўлишига интилган шоир эди. Эрк деб яшаган шоир эди. Унинг ана шу ғояларини талабаларга етказаяёلمиз, унинг ижоди билан таъқиқлашга ҳаракат қилаёلمиз.

- Қандай йўл билан? Дарслардами?

- Дарсларда афсуски, катта соат ажратилмаган. Нафақат Муҳаммад Солиҳ, бошқа шоирлар, хусусан Абдурауф Парфи ижодига ҳам кўп дарс соатлари ажратилмаган. Шунинг учун тўғарақларда, дарсдан ташқари адабиётни севадиган талабалар орасида уларга маълумот беришга ҳаракат қилаёلمиз.

Дарсларни оладиган бўлсак, «Ҳозирги адабий жараён» курси 80-йиллардан бугунги кунгача бўлган даврни қамраб олади. Курсда икки шоирга бир пара, яъни саксон минут вақт ажратилган. Дарсдан ташқари тўғарақларда эса ўзимизнинг ихтиёримиз,- дейди Давронбек Насибхонов.

**Ижод ва шахсият**

Институт муаллимаси Муяссархон Холматова ижодкор ижодини унинг шахсидан алоҳида ўраниш керак, деган ёндашув бўлиши лозимлигини айтади:

- Дастур тайёр бўлмаганлиги учун дарс жадвалига қўйилганича ҳам йўқ бу курс. Шу жиҳатдан ҳам Муҳаммад Солиҳ таҳлил арафасида. Унинг шеърляри ўша даврдаги шеърлят қаторида арзигулик шеърлят. Бизнинг асосий вазифамиз ҳам уни шоир сифатида ўргатиш.

Масалан, фалончи шоир ароқ ичар экан, шунинг учун унинг ижодини ўрганмаслик керак, ёки кўп хотинли экан, унинг асарларини ўрганмаслик керак, дегандек ёндашувда бу. Унинг шеърляти зўрми уни ўраниш керак. Унинг шахсий ҳаёти ёки унинг сиёсий фаолияти бизни қизиқтирмаслиги керак, - дейди Муяссархон Холматова.

Институт расмийлари Муҳаммад Солиҳ ижодиётини ўраниш ташаббусига салбий муносабат билдирадилар. Айни мулоҳазада расмий Тошкент назаридан ҳадик акс-садоси кўринаётгандек.

Институт ректори Равшанбек Турсунов гапиради:

- Бизда ўқув режаси бўйича «Ҳозирги адабий жараён» курси бешинчи курснинг иккинчи ярмида ўқитилади. Қирғизистон таълим тизими стандартларига мос равишда биз ўқув дастурларини Ўзбекистон дастури асосида тузамиз. Чунки бу ўзбек филологияси курси.

«Ҳозирги адабий жараён» курсини ўтиш бўйича лекция, амалий машғулот соатлари кафедра йиғилишига муҳокамага қўйилганида бир неча ижодкорлар ижодини ўтиш ёки дастурга киритиш бўйича мунозара бўлган. Улар орасида Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Солиҳ, Хуршид Даврон, Камчибек Кенжа каби шоирлар бор эди. Мен ўша ерда ҳам Муҳаммад Солиҳ ижодини ҳозирча ўқув дастурига киритмай турайлик, деган фикрни айтганман, - дейди институт раҳбари.

**Таъқиқланган шоир**

Кўшни Ўзбекистонда Муҳаммад Солиҳ шеърляри таъқиқланганига ўн йилдан ошгани маълум. Унинг китоблари кутубхоналардан йиғиб олиниб йўқ қилинган, дарсликларга кириб қолган шеърляри эса йиртиб олинган айтилади.

Кузатувчиларга кўра, ҳозирги Қирғизистонда адабиёт ва санъат масалаларида сиёсат устуворлигига барҳам берилган ва мамлакатда расман таъқиқ, босим, таъқиб эҳтимоли йўқ, дейиш мумкин. Айни пайтда Давронбек Насибхонов мунозараларга сиёсий тус бериш эҳтимолини инкор этмайди:

- Ўзбек гуманитар-педагогика институтида Муҳаммад Солиҳнинг ижоди ўрганилар экан, деган нарсасига ҳайрат билан қарашнинг ўзи нотўғри, деб биламан. Энди мен кўрқадиган нарса шуки, бу масала сиёсийлашиб борадиган бўлса, бизнинг раҳбаримизга қандайдир босимлар бўлиши мумкин. Натижада биз мана шу курсни ўтолмай қоламизми, Муҳаммад Солиҳ ижодини ўрганолмай қоламизми, деб кўрқаман.

Аслида демократик давлат бўлган Қирғизистонда бундай бир таъқиқ ёки таъқиб бўлиши кулгили. Бу масала сиёсийлашмаслигини хоҳлайман. Шоирми, адабиётми, уни мафкурага боғламайлик, сиёсатга боғламайлик,- дейди Давронбек Насибхонов.

Маҳаллий таҳлилчилар айтишича, сўз эркинлиги бир қадар ривож топган Қирғизистонда мухлис эҳтиёжи мавжуд бўлган ижодкор йўлида фақат бир тўсиқ бўлиши мумкин. У ҳам бўлса, баъзи бир мулозимлар эс-хушига сингиб кетган шўролар давридаги таъқиқлар асоратидир.

(Мўмин Бекзод)



## ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

### Касалликлар:

15 ёшимдан кейин жуда кўп касал бўлишни бошладим. Ҳар йил камида 2 марта 2 билан 4 орасида грипп, анги-на, фарангеит, бронхит ёки цинзунит бўлдим, бир марта пневмония бошлани-шини кечирдим. 15 ёшимдан 33 ёшгача йилда 2-4 марта бу касалликларни бош-дан кечирдим. Ҳар касал бўлганимда ал-батта грипп дориси, томоқ учун анти-биотик ишлатдим. Умуман бу дорилар билан яхшиланмай, шифокорга бориб, бу сафар 10-15 га яқин антибиотик игнаси олиб ўнгалдим. Йилдан-йилга яхшиланиши мuddати узая борди ва охириги йилларда икки ойга чиқди.

18-20 ёшлик пайтимда соч желеси-ни кўп ишлатадиган бўлдим. Сочларим жонсиз ва тез-тез тўкила бошлади. 20 дан 27 ёшгача сочимга, бепантен игна, бодом ёғи, зайтунёғи аралашмалари сурдим, “Вичи Деркос” соч ампулалари-ни сурдим, фойдаси бўлмади, сочларим тўкилишида давом этди, сочларимнинг олд тарафи яхшигина сийраклашди, баъзи жойлар очилиб ҳам қолди. Бундан ташқари ўсмирлик пайтимдан эътиборан ҳар пайт жуда кўп тошмалар чиқди. Юзимда, бўйнимда, белимда. Сарик, ичи тўла катта тошмалар чиқарди.

23 ёшда тери парварши ва тошма-лардан қутулиши учун ҳар ой гўзаллик салонига қатнай бошладим. 33 ёшгача ҳар ой гўзаллик салонига терими парва-риши қилдирдим. Лекин гўзаллик салонига қилинган парварши тошмаларни кетказма-олмади.

27 ёшда сочимнинг кўп тўкилиши, тошмалар сабабли тери шифокорига қатнай бошладим. Шифокор тош-маларни танадаги ёғ микродоринг юқорилигидан, соч тўкилишини эса со-чимнинг эркак типли сочилигидан, деди.

Қон таҳлишида тестостерон гормони юксак чиқди. Тошмаларимга изотреонин таркибли дорини (роакутан) икки қути ишлатдим. Бу дориларни ишлатгандан кейин тошмалар бошқа чиқмади.

Соч тўкилишига Флутамид номли простат саратони дориси, Зинко С витамин, туғишни бошқарувчи дориси (Диане 35) ва бир соч лосьёнини ишлата бошладим. Флутамид, Зинко С ва соч лосьёнини 1 йилдан кўпроқ ишлатдим. Диане 35ни яқин 3 йил ишлатдим. Диане 35 ишлатишни бошлагандан аввал ой кўриши(одат) пайтим кўп қон оқар, 7-8 кун давом этарди. Диане 35 ишлатган пайтида қонаш камайди, ой кўриши (одат) даври ҳам 5 кунга тўнди.

Депрессия ва давоси: Бу орада психологиям жуда бузилди. Тез-тез йиғлайдиган бўлдим, тез газабланардим Бундай ҳолда 29 ёшда психиатрга қатнай бошладим. Шифокор Обцессив компульсив бузиқлик тахисси, қўйди.

Сероксат номли дорини ишлата бошладим. 29 ёшдан 33 ёшгача ишлат-дим. 1 йил давомида ойда бир шифокорга боришда давом этдим. Мен гапирардим, шифокор фақат эшитарди. Бу курснинг бирорта ҳам фойдаси бўлмади. Фақат дори ками билан йиғлаш ва газабни бироз камайтиргандай бўлди.

Кунлардан бир кун юзим, танам,

қўлларим, ҳар жойим қичиша бошлади. Тери шифокори аптекада бир мазъ ёзиб берди. Уни кичик мато билан юзим ва қичиган ойлارга сурдим. Қичиши ўтди.

Охириги 3 йил ҳаммомда ҳолсизлик ҳисси, 6 ой оёқларда увишиши ва бошимда электр токи уришига ўхшаши бир нарса бўларди. Автомобилда ҳолсизлик ва тер босиши ҳам бўларди. Кечқурунлари соат 9 ва 9:30 ҳаддан ташқари ҳолсиз бўлиб ётиб қола бошлардим. Бомдод намозига ҳам тура олмасдим.

### Кўникмалар:

Доим пала-партиши ёйишига одатлан-гандим. Хусусан, шоколад, музқаймоқ, қуруқемиши, бисквит. Кечқурунлари таом ўрнига бисквит, уруғ, шоколад, қуруқ емиши еб ўтказардим. Фақат еган нарса-ларнинг таъмини кўпинча била олмас-дим, асосан кўзим тўймак, кўп ердим.

15 ёшда сигарета чекишни бошла-дим. 28 ёшгача чекдим. 17 ёшдан эъти-боран мактабга, ишга бораётиб йўлда плейер тинглардим. Бу 31 ёшгача давом этди. 27 ёшгача хорижий поп-рок, кейин Турк халқ мусиқаси ва илоҳий мусиқалар тингладим. Охириги икки йилда қулоғимга плейер тақиб мусиқа эшитмайман.

33 ёшда доктор Ойдин хонимга қатнаб, тавсия берган 7 ҳафталик курсларни бошладим, ҳафтанинг жума, шанба ва яшанба кунлари 3 кунлик очлик рўзалари тутябман.

Биринчи 3 кунлик рўзада, 3-чи кун жуда музладим, иссиним чиқди, ҳароратни тушириши учун бутун кун пеионамга совуқ мато қўйдик, бошим жуда оғриди, тирноқларим кўкарди, жуда ҳолсиз эдим. Бошимни бурганим-да, бош атрофида электр уриши каби бир нарса бўларди. Рўзани очган куним, қутилмаган, бўлмаслиги керак бўлган ҳайз кўрдим. Шу қадар безовта, ҳолсиз эдимки оёқларимда юришига дармон йўқ эди. Ичим кетди, бу 2 кун давом этди.

Иккинчи 3 кунлик рўзада грипп бўлдим. Бош оғриги ва ҳолсиз эдим. Ле-кин гриппга қарамасдан, очлик бу сафар аввалгидан осон кечди.

Учинчи 3 кунлик рўзада ҳолсизлик келди, тирноқларим кўкарди. Бошим атрофидаги ток уриши камайди.

Тўртинчи 3 кунлик рўзада, 3 кун ҳолсизлик бўлди. Рўза тугаганида жигар тозалаш қилдим. Кечаси соат 1да ва 2:30 да ич кетиб хожатхонага чиқдим. Сешанба эрталаб катта хожат қорага яқин қуюқ яшил бўлиб келди.

Чоршанда, пайшанба ўзимни қувватли ҳис қилдим, руҳим эскига қарасанда яхши, позитив ҳол олди, эскиси каби ҳамма нарсага жаҳлим чиқмаётганини, ўзимни босиқ тутаяёт-ганимни сездим.

Худди устимдан юк тушгандай эди. Бешинчи 3 кунлик рўзада ҳеч қандай безовталаниши бўлмади, бироз увишиши, ҳолсизлик бўлди.

Олтинчи ва еттинчи 3 кунлик рўзаларда, рўза ҳаётимнинг бир парчаси ҳолига келган ва тобора осонлашиб бора-ётгани. Илк 3 сафарда келган муам-моларнинг ҳеч бири қолмади, олтинчи 3 кунлик рўзада қон олдира бошладим.

Бошдан қон олдиришида пушти ранг кўпикка ўхшаши бир нарсалар чиқди.

Еттинчи 3 кунлик рўзадан кейин иккинчи жигар тозаланишини қилдим. Эрталаб ичим кетди, ичимдан қора, кичик-кичик парафинсимон парчалар чиқди, бу ҳол кечгача давом этди.

Курс мобайнида келиб чиққан му-аммолар сабр қилганимда камайганини билдим.

Рўзалар ва жигар тозаланишидан ав-вал ва ҳар доим ҳазм муаммоси бўларди. Бунга боғлиқ қабзият ва ичакларда сиқилиши, газ бўларди. Бу даволанишдан кейин бу муаммолар қолмади, бундан кейин бемалол хожатга бора бошладим, бу борада ҳам ҳеч бир муаммо қолмади.

Бу даволаниши билан бадан соғлигимда катта ўзгаришлар бўлди. Шундайки, курсдан аввал ўзимни - ёшим-га нисбатан - анча қари ҳис қилардим. Чунки доим ҳолсиз бўлардим.

Эрталаб барвақт ва тетик тура олмасдим. Бироз юрсам тер босар ва ҳолсиз қолар, оёқларим юрмасди. Тез-тез ҳар икки ойда касал бўлардим, грипп, фарангеит, синузит, бронхит ва ҳаказо - ҳаётимни роҳатда ва хузурда давом эта олмасдим. Ҳам жисмоний ва руҳий томонлама қийналардим. Ҳазм муаммо-лари, ич қотиши ва ичаклар сиқилиши, газ бўларди. Ҳайз тартибсиз ва қийин ўтар, узоқ давом этарди.

Даволаниши курсидан кейин, ҳазм муаммоси қолмади. Мавсум ўтишида атрофимдаги кишиларнинг бир нечаси грипп, тумов бўлишиди, лекин менга бу таъсир қилмади.

Бу курсни бошлаганимга 7 ой бўлди, 7 ойдан бери касал бўлмадим.

Ҳайз пайтим ва ҳолсизлигим тартиб-га тушиди.

Эрталаблари ва барвақт тинч ҳолда тура оламан.

Кечқурунлари аввалгидек 9:30 да уйку келмайди, кеча 1гача ўтира оламан, шунга қарамай, бомдодга туриши ҳеч қандай қийинчилик тудирмайди.

Ҳафта охириларида соатлаб юраман, чарчамайман. Нечанчи қават бўлмасин, бемалол зиналардан чиқиб, туша оламан. Авваллари ҳаммом, автомобил каби ёпиқ жойларда бир мuddат сўнгра тер босар, ҳолсизланиши келарди, ҳозир бу муаммо ҳам қолмаган.

Бармоқларимдаги 3 йиллик сўгаллар ўтди. Сўгаллар учун қилмаган амалим қолмаганди. Тери шифокорим дорилар, кремлар берав, бундан ташқари ток билан ҳам қуйдиришган эди. Яранинг ях-шиланиши учун кўп вақт кетди. Фақат сўгаллар кетмаганди, чап қўлимнинг ўрта бармоғига ёпишган сўгал ёйила бошлаган эди.

Бир ой аввал сўгалларнинг ёйилиши тўхтади ва камай бошлади, бир мuddат сўнг умуман қолмади.

Мўҳим бўлган ўзгаришлардан бири руҳиятимдаги тузалиши бўлди. Курсда ишлатган антидепрессанни ташиладим.

Ҳозир ўзимни жуда яхши, сокин ва хузурли ҳис қиламан. Ҳеч бир нарсага эҳтиёжим қолмади. Ҳам жисмоний, ҳам руҳий томонлама соғломман ва хузурлиман, Аллоҳга ишончим янада ортди”.

(Давоми: кейинги саҳифада)

## ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Тулай хонимнинг эски даволаниш курсида ишлатган дориларининг ён таъсирларидан баъзилари:

Изотреонин таркибли дори (Бу ерда Роаккутан): Бу дорини қўлланганларда депрессия, психотик симптомлар, ўз жонига қасд қилишга мойиллик кўринган.

Бу дорининг ён таъсирларидан баъзилари: суяк ўзгаришлари, терининг бузилиши, дерматит, кечаси кўришнинг камайиши, бош ичи қон босими, ўткир панкреас тарқалиши, қондаги қанд бузилишлари, бачадон анормалликлари (юрракда, миёда, катта томирларда), бола ташлаш, чала туғиш хавфи, терида қуриш, сўлак безининг қуриши, бурун қонашлари, овоз қисилиши, қонжуктивит, ўткирчи ката-ракта, тери бузилишлари, юзда қизариш, тирноқнинг бузилиши, соч толаси заифлиги, тўкилишлари, хуснубазлар, туқла-ниш, тери рангининг қуюқлашиши, иссиқ сезувчанлик, мускул-бўғим оғриқлари, суякларнинг ортиши ва бошқа суяк бузилишлари, ҳаракат бузилишлари, бош оғриғи, приступлари, эшитиш ва кўриш бузилиши, чанқаш, қолит, қонли ич кети-ши, гепатит, бронх спазмаси, эритроцит, лейкоцитларнинг камайиши, тромбоцит-ларнинг ортиши, локал ёки тарқалган инфекциялар, сийдик кўпайиши, ич кети-шида қон, протеин чиқиши, лимфа бе-зи-шишлари, томир яллиғланиши...


Туғишни бошқарувчи дорининг ён таъсирлари (Диане 35): Эмчак ҳассосиёти, оғриқ, бош оғриғи, депрессия, жин-сий истаксизлик, чанқаш, қусиш, тери ташлаш, вагинадан оққан суюқликдаги ўзгаришлар, танада сув тутилиши, семи-риш, ортикча сезувчанлик реакцияси, жи-гар каттариши, қичиш, ўт пуфагида тош йиғилиши, порфир, тик касаллиги (тана аъзоларининг пир-пир учишлари), эши-тишни йўқотиш, қондаги қанд мувоза-натининг йўқолиши, қолит, юзда доғлар, тук босиши, целюлит, жигар шиши ва қорин ичида қонаши аниқланган.

Флютамиднинг (простатит саратони дориси) ён таъсирлари: Ошқозон оғриши, ич қотиши, терининг қизариши ва қириш, герпес, қичиш, люпусга ўхшаш сим-птом-лар, депрессия, вужудда сув тўпланиши (шиш)...

Сероксатнинг (антидепрессан) ён таъсирлари: Норвег олимлари депрес-сия дориларида ишлатилган параксодин моддасининг кўшимча таъсирлари усти-да 1500дан кўпроқ касал устида тадқиқот қилишган. Бу депрессия касалларидан “Сероксат” берилган 7 касалнинг ўз-ўзини ўлдиришга ҳаракат қилгани аниқланган. Баъзи соғлиқ партияларининг қилган тадқиқотлари ҳам “Сероксат”нинг ўзини ўлдиришга мойилликни орттирганини аниқлашган. Дунё Рух Соғлиғи ташки-лотлари МАИНД бўлса, “Сероксат” иш-латган касалларнинг 50% да ўзига зарар бериш ва ўлдиришга мойиллик ортгани-ни айтиб, дори сотишни тўхтатишни та-лаб қилишган.

### Тулай хоним воқеаси жараёни: сабаб ва натижалар

Бизнинг тасбитимиз шу: онага ҳомиладорликда берилган дори билан ошқозонда чанқашнинг олди олинган, тананинг қусиш билан ўзини тозалаш тўхтатилган, чиқаолмаган токсинлар танада қолиб, айни пайтда болага ҳам таъсир қилган.



таомларнинг ҳазм тизими бўлмагани учун, берилган илк кўшимча озикдан бошлаб, ҳазм бўлмайдиган таомларнинг қолдиқлари танада бирика бошлаган.

Боланинг иммунитет тизими илк сиг-налларни берган, вужуд иссиқ чиқади-ган касалликлар воситасида бу қолдиқларни жигардан, томирлардан ва ўпкалардан ташқари чиқаришга уринган.

Шифокорнинг берган иссиқ туши-рувчи (парацетамол, аспирин), антибио-тик (бактрим), йўтал шарбаги (переброн) каби дорилар таъсирида тана ўз-ўзини кўриқлашдан тўхтаган, иммунитет тизи-ми заифлашиб, яна-да катта муаммоларга замин ҳозирлаган.

Аслида, бу пайтда озикланиш тар-тибга солинганда ва 36 соатлик очликлар қилинганда, бу муаммо осонгина ечими-ни топган бўларди.

15 ёшидан бошлаб сигарета чекиш, дориларнинг ва зарарли озуқаларнинг таъсирлари ҳолатни яна-да чигаллаш-тирган, иммунитет тизими янада кучли сигналлар бера бошлаган. Бу жараёнда озикланиш тартибга солинганда, тайёр таомларнинг кўшимча моддалар билан бирга ва дорилар билан келган зарари-ни кетказиш учун жигар тозаланиши ва 3 кунлик очликлар қилинганда, кейин-ги босқич юзага келмасди. Тартибсиз озикланиш ва сигарет таъсирида тошма-лар ва такрорланган инфекциялар давом этган.

Қон гуруҳи “А” бўлганлар учун ги-дроген қилинган ёғлар, қовурилган ва ту-риб қолган қуруқ емишлар касал бўлиш учун етарли сабабдир.

Вужудни очлик билан дам олдириб, тинчлантириш ўрнига, яна-да агрессив, янада бузувчи даволашларда давом этил-ган.

Туғишни олдини оловчи дори, депрес-сия, танбаллик, галлюцинациялар, ҳайз қонашларини камайтириш каби ён таъ-сирлар аҳволни яна-да ёмонлаштирган.

Бунинг устига антидепрессан дори ҳам қўшилганидан сўнг касалда тор-моз-ланиш юзага келган.

Дори ичишда давом этганида, бемор “Сероксат” таъсирида ўзини ўлдиришга-ча бориши мумкин эди.

Сўғаллар, ток уриши каби шикоятлар тиббий текширувларда арзимас нарсдек қабул қилинади ва “Сероксат”нинг ён таъ-сирлари сирасидан деб ҳисобланмайди. Ҳолбуки, булар ишлатилган дорилар на-тижасида юзага келган рух мувозанатсиз-лиги (жинланиш)нинг белгиларидир.

Очликлар бошланганда, тананинг аввал иссиғи чиққан ва бурун оқиши

Бу таъсир туғишдан кейин ҳам она сути билан давом этган.

Қўшимча овқатлар 6 ой-дан эътиборан бошланган. Икки ёшга-ча, она сутига кўшимча тарз-да, фақат мева ва асал етар-ли бўларди. Олти ойлик чақалоқда она сутидан бошқа

каби соғайиш белгилари кузатилган. Тирноқлардаги қизариш ва бутун тана секретияларнинг кўпайиши ҳам яна та-нанинг бириккан токсик қолдиқларни мумкин бўлган бутун йўллар билан чиқаришга ҳаракат қилганини кўрсатади.

Вақтидан аввал келган ва миқдори ортган ҳайз эса, кўпайиш аъзоларининг тозаланганига далил. Рўза туғанда, ич кетиши эса жигарнинг тозаланишидир.

Илк очликларда жуда кўп токсин чиққани учун ҳолсизлик, ҳатто қарах-лик каби белгилар кузатилган. Чунки қон, ичаклар ичи ва бутун тана секретиялари токсинга тўла бўлган.

Бошқа очликларда грипп сим-птомла-рига ўхшаган белгиларнинг кузатилгани соғайиш белгиларидир.

Инсон вужуди зарарли таомлар ва кимёвий моддалар билан, ҳосил бўлган қолдиқларни кучи етганича чиқаради, чиқара олмаганини маълум жойларда тўплайди. Ва баданда болаликдан бош-лаб тўпланган, турли даврларга оид, ху-сусияти ва миқдори турли бўлган токсин қатламлари юзага келади.

Даврий очликлар тutilганида, ав-вал энг сўнги бириккан, устдаги токсин қатлами кўчади. Илк очликнинг қандай ўтиши бу қатламнинг токсин миқдори ва захарлилик даражасига боғлиқ.

Масалан, Тулай хоним охириги йиллар-да жуда қуруқ ва зарарли «даволаниш» курсини бошдан ўтказгани учун энг уст қатлам энг зарарли ва энг қаттиқ токсин-лардан ташкил топган эди. Шунинг учун унинг илк очлиги оғир кечди.

Бу ерда бир фойда-зарарни ҳисобласак, очлик сирасидаги соғайиш-тозаланиш жараёнида чиққан ҳарорат, бурун оқиши, ҳолсизлик, чанқаш, қусиш каби безовталанишлар аввал ҳар йил бошдан кечирилган касалликлар ёнида анча енгил, ҳаражатсиз ва зарарсиздир.

Ҳазмсизлик, ичак бузуқлиги, ҳолсизлик каби оддий муаммоларни тек-ширтмасдан ва дори ичмасдан қутулиш мумкин.

Бемор озади, захарларини ва муам-мосини чиқаради, депрессия дориси-га боғланиб қолмайди, ўзини бахтли ва соғлом ҳис қилади. Мухими, 37-40 ёшдан кейин уни қутаётган жигар ва ўт пуфағи касалликлари, гипертония, аритмия, қанд касали, климакс бухрони, суяк эриши, миома, кистолар, саратон, миёдаги тикқинларга боғлиқ алзгеймер, зехн паршонлиги, болага ўхшаб қолиш каби жуда кўп касалликлар эҳтимolini минимум(паст) даражага туширади. Агар озикланиш тартибга охиригача рио-я қилинса, бу эҳтимол бўрунлай йўқолади.

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
[www.uzxalqharakati.com/erkinyurt](http://www.uzxalqharakati.com/erkinyurt)  
Мустақил манбааларнинг маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Қамолддин Йўлдош**